

**ЧЕККА ХУДУДЛАРДА ЗАМОНАВИЙ (ШАХСИЙ) КУТУБХОНАЛАР
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЁШЛАРНИ КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ, РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ЮКСАЛТИРИШДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ**

*Маматисақова Фаридахон Мирзаҳақимовна
Андижон вилояти Шахрихон тумани
22-умумий ўрта таълим мактаби
бошланғич синф ўқитувчиси ва шахсий кутубхона мудираси
Мамажонова Филура Анварбек кизи
Жанубий Корея Конгвондо вилояти
Конг Вон Миллий Университети талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада чекка ҳудудларда замонaviй (шахсий) кутубхоналар ташкил этиш ва ёшларни китобхонлик маданиятини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда юксалтиришда инновацион технологиялари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Китоб, китобхонлик, китобхонлик маданияти, инновация, кутубхона

Abstract: In this article, innovative technologies for creating modern (private) libraries in border regions and forming, developing and improving the reading culture of young people are described.

Key words: Book, library, library culture, innovation, library

Аннотация: В данной статье описаны инновационные технологии создания современных (частных) библиотек в приграничных регионах и формирования, развития и повышения культуры чтения молодежи.

Ключевые слова: Книга, библиотека, библиотечная культура, инновации, библиотека.

Ғазал мулкининг султони, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий хазратлари ёзганидек, “Китоб-беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг асосий манбаи”

Ҳозирги кунда энг дорларб вазифа келажак авлодни таълим-тарбиясига эътибор. Ёшларни китобхонлик маданиятини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда юксалтиришда рағбатлантиришнинг ўрни муҳим эканлигини англаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиш мамлакатда китобга бўлган ҳурматни кайтариш йўлидаги муҳим қадамдир.

Мазкур фармойиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13-сентябрда “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПК 3271-сонли қарори қабул қилинди.

Бу эса шу йўлдаги эзгу ишларни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилганлиги, ёшларни китобхонлик маданиятини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда юксалтириш учун нималар қилиш керак, нималарга эътибор

қаратиш зарур ва уларни ёши, қизиқишларидан келиб чиқиб қандай ишларни амалга ошириш керак деган фикрларни уйғотди. Шу сабабли менда йиллар давомида уйимда тўпланган ва фаолиятим давомида ўқувчиларим учун фойдаланиб келган китобларимдан ёш авлодни китобхонликка жалб қилиш мақсадида фойдаланиш учун маҳалла худудига шахсий кутубхона ташкил қилдим.

Миллий маънавият кадрятларни умумий таркибий қисмидир бугунги шахнинг маънавиятлилик даражаси ва уни эгаллаш эҳтиёжига нисбатан турлича методолик, психологик, педагогик ҳамда ижтимоий-фалсафий ёндашувлар мавжудлигини кўрсатмоқда. “Инсон комиллиги болалиқдан тарбияланади ва йиллар оша юксалади” деган ғояга асосланиб ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни йўлга қўйишга айникса, болаларни бўш вақтларини тўғри йўналтиришга эътибор ортмоқда. Китоб ўқиш, кино, театр, концертлар, кўрғазмаларга бориш, спорт ўйинлари, кўрик-танловлар, тўғарақлар, билимлар беллашуви, фан олимпиадалари, ижодий ишлар танловларида иштирок этиш ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этишга, уларнинг дунёқарашини бойитишга, маънавий етуқлигини оширишга, иқтидорини янада ўсишига, ўзига бўлган ишончни шакллантиришга олиб келади. Маълумки, болаларда китоб ўқишга қизиқиш қанчалик ривожланган бўлса, унинг дунёқарашини шунчалик кенг, бой ва ранг-баранглик ҳамда эркинлик касб этади. Яхши ва ёшига мос ўқилган китоблар болалар фикрлаш қобилиятини ҳаракатга келтиради, уларда энг яхши орзу-истакларини уйғотади, ҳаётга чорлайди, мустақил фикрлашга ўргатади, келажакка ишонч билан қарашга ёрдам беради. Энг қадимги даврлардан буён донишмандлар ўз вақтида ўқилган китоблар шахнинг энг ноёб ютуғи эканини таъкидлаб келганлар.

Китобхонлик маданияти башарият маънавият хазинасининг муҳим қисми бўлиб, инсонни шахс сифатида шакллантирувчи воситалардан биридир. Агар ёшларда болалиқдан китобга, билимга меҳр шаклланмаса, унинг билими, тушунчалари ва савияси жуда саёз бўлиб қолади. Айни пайтда боланинг қандай китобни ўқишининг ҳам аҳамияти каттадир. Агар бола дуч келган китобларни ўқишга одатланиб қолса, соғлом ғояни зарарли ғоядан, маърифатни жаҳолатдан фарқлай олмай қолишига, ёд ва зарарли ғояларга нисбатан тўғри фикрга эга бўлолмаслигига ўз нукта назари шаклланмаслигига олиб келиши мумкин.

Юксак маънавий савиядаги китобларни мутолаа қилиш, ёшлар маънавиятини, маданиятини, одоб-ахлоқини, ота-онасига, юртига меҳрни шакллантиришда, калбини эзгулик нури билан тўлдиришда, турли ҳаётий шароитларда ўзини қандай тутиш кераклиги, оила, диний ва дунёвий билимлар ҳақида етарли тушунчаларга эга бўлишида катта аҳамиятга эга.

Оилада ота-она, мактабда ўқитувчилар болаларга муайян мақсад, режа, ўзига нисбатан талабчанликни шакллантиришга ёрдам берувчи китоблар билан таништиришга интилсалар, уларнинг кейинги ютуқларига эришишлари учун керакли ички мативларни шакллантиришга замин яратган бўлади. Инсонда ички назорат унинг ўз ҳулқини, ишини ўзи назорат қилишини англади ва бу маънавият орқали таъминланади. Маънавият инсон иродасини кучли қилиб, ички мативациясини, ички назоратини мустаҳкамлайди.

Китобхонлик маданияти ўқувчига ўқиётган асарини тўлақонли тушуниш, унда бадиий-эстетик завқ олиш, ёзувчи фикри асар ғоясини англаш ва баҳолай олиш, бундан ташқари китоб ва кутубхонадан фойдаланиш, маълумотнома-библиография

аппаратидан ўзини қизиқтирган ёки зарур масалаларга доир китоблар топиб олиш ва ундан фойдаланиш, йўлларини ўргатади. Китоб танлаш, уни тез ўқиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия этиш, авайлаб сақлаш ҳам китобхонлик маданиятини таркибий қисмига киради. “Китобхонлик маданияти” тушунчаси кенг маънода қўлланади.

Китоб барчамизни эзгуликка ундайдиган, олдимизда турган барча муаммоларни хал этишга ёрдам берадиган куч эканини тушуниш. Юртимизда китоб билан ошно бўлган, китобни севган, китоб ёзган, китобни муқаддас билиб, уни кўз қорачиғидек асрайдиганларни зиёли деб атаганлар. Зиёли – нур таркатувчи, у ўзининг хатти ҳаракатлари фаолияти билан жамиятни ёритувчи, маънавий-ижтимоий баркамолликни таъминловчилар ҳисобланган. Бунга узоқ ва яқин тарихимиздан мисоллар кўп. Масалан маърифатпарвар ватандошимиз Исҳоқхон Ибрат ўз уйида каттагина, бой кутубхона ташкил қилади. Ибрат архивидаги китоблар рўйхати шуни тасдиқлайдики, кутубхонада таълим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, рус, турк, татар, форс-тожик тилларида кўплаб китоблар бўлган. Бу кутубхонадан нафақат ўзи, шунингдек, қишлоқ аҳолиси ва ёшлари унумли фойдаланган. Исҳоқхон Ибрат ўз мактаби ўқитувчиларини ҳам кутубхонада сақланувчи китоблар билан таъминлаган. Кутубхонанинг мактаб ўқувчиларига бағишланган қисмида Саидрасул Саидазизовнинг “Устоди аввал”, Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”, Рустамбек Юсуфбекхожи ўғлининг “Раҳбари ҳисоб”, каби кўплаб дарслик, ўқув қўлланмалари сақланган. Ибрат кутубхонаси доимий равишда катталашиб борган. Исҳоқхон Ибрат каби зиёли маърифатпарвар ўз кутубхоналарига эга бўлган юртдошларимиз зиё масканларидан оддий халқ жуда унумли фойдаланишган.

Мақсадим маҳалла аҳолиси ва келажак авлод шахсий кутубхонамдан узоқ йиллар давомида самарали фойдалансин ҳамда фарзандлари учун оиласида шахсий кутубхоналар яратишларига асос бўлсин.

Шу ўринда ўз кутубхонасини очган ўқитувчи сифатида ўқувчилар орасида китоб мутолаасини ва китобхонлик маданиятни янада ошириш ҳамда китобсеварлик анъаналарини рағбатлантиришга қаратилган қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман:

- Ўқувчиларни ўз кутубхоналари бўлса;
- Оилавий кутубхоналар ўртасида кўرғазмали кўрик танловлар ташкил этилса, улар билан ҳамкорлик қилинса;
- Хар бир маҳалла ҳудудида кутубхоналарни ташкил этилса;
- Ота-оналар мунтазам равишда ўз фарзандларини китоб дўконларига олиб борса, китоб танлашига ёрдам берса, ёқтирган китобларини олиб берсалар;
- Кўпроқ рангли расмлари билан ишланган ўзбек халқ эртақ китоблари ишлаб чиқарилса;
- Ўқувчиларни кутубхонага катнашлари рағбатлантирилса;
- Туғилган кун ва байрамларда китоблар совға қилиш анъанага айлантилса;

Китоб ўқиш барчамизни маънавий оламимизни бойитади, сўзлашув маданиятимизни оширади. Бизнинг ўзбек тилимиз дунёнинг энг бой тиллар каторига киради. А.С.Пушкин бутун ижоди давомида жами 21197 та сўз қўллаган бўлса, Шекспир асарлари тилида жами 20000 дан ортиқ сўз қўлланилган. Испан олимлари

Сервантеснинг ижодида 18000 сўз қўлланилгани ҳақида маълумот берганлар. Буюк бобомиз Алишер Навоий асарларида қўлланилган сўзлар сони эса 26000 дан ортиқ экан. Ана шундай миллий бойлигимизни авайлаб асраш учун ҳам китоб ўқиш ва китобхонлар сонини кўпайтириш, китобхонлик маданиятини рағбатлантириш орқали шакллантириш, ривожлантириш ва уларни юксалтириш жуда зарур ва муҳим.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз фармойишида белгиланган вазифалар, бир томондан азалдан китобсевар халқимиз, шу жумладан ёшларимизнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда юксалтириш юзасидан ҳозирги замон талаблари даражасида жуда кенг имкониятлар яратишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, яқин вақт оралиғида Ўзбекистонимизнинг том маънода китобхонлар юртига айланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Машрқзамин-хикмат бўстони. – Тошкент, 1997.39-бет
2. Ибрат. Ажзий. Сўфизода. –Тошкент, 1999. 38- бет
3. Кодиров П. Тил ва эл. –Тошкент, 2010. 127- бет